

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 5

2022 йил 01 ноябрь

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган муҳандислик технология институтини номидан Низом асосида иш қўрувчи ректор О.О.Маматкаримов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «STANDART» МЧЖ номидан Низом асосида иш қўрувчи корхона раҳбари У.Убайдуллаев, иккинчи томондан Наманган шаҳар Косонсой кўча 7-уйда жойлашган институтини талабаларининг маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тадбирлар залини мукамал таъмирлаш объекти буйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. Шартнома мавзуси.

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кура лойихада кузда тутилган Наманган шаҳар Косонсой кўча 7-уйда жойлашган институтини талабаларининг маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тадбирлар залини мукамал таъмирлаш объекти буйича ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва буюртмачи томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил 27 октябрдаги танлов баёни ҳамда (лот №164641) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан 955 000 000 (Тўққиз юз эллик беш миллион) сўмни ташкил этади.

2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари.

1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-илова (ишларни бажариш графиги)га мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

2-илова (ишларни бажариш графиги)га мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачига пудрат шартномаси тузилиши давомида субпудратчилар билан тузилган шартномалар, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш (офертада кўрсатилган суммага);

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;



қурилиш жарёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш;

объектда қурилиш ишлари якунлангандан сўнг, белгиланган тартибда давлат қабул комиссияси давлолатномаларини расмийлаштириш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари ва субпудратчилар билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **IV. Буюртмачининг мажбуриятлари.**

1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-илова (молиялаштириш графиги)га мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **V. Ишларни бажариш муддатлари.**

1. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

2. Пудратчи мазкур шартномага 3-иловага (молиялаштириш графиги) мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3. **Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 30 кунни ташкил этади.**

4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи: **286 500 000 (Икки юз саксон олти миллион беш юз минг) сўм** миқдоридан аванс ўтказилади.

2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш жадвали (2 - илова) асос ҳисобланади.

3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, буюртмачи томонидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кузда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги назорат ўлчови далолатномаси ва бошқа хужжатларни тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

4. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида фойдаланувчи билан далолатнома ёки унинг розилик хати тақдим этилгандан сўнг молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади.

5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.



## **VII. Ишларни бажариш.**

7. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

9. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

10. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

11. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

12. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

13. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

14. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

15. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

16. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

17. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.



2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **X. Кафолатлар**

1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб кафолатли муддати **12 ой** этиб белгиланади.

3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Наманган вилоят қурилиш ҳудудий назорат инспекцияси» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XI. Шартномани бекор қилиш.**

1. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;



Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташқари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## ХII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, буюртмачи томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Наманган вилоят курилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси» нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.



### ХIII. Низоларни ҳал этиш тартиби.

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### ХIV. Алоҳида шартлар.

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

7. Мазкур шартнома Буюртмачи ва Пудратчи томонидан имзолангандан ҳамда Ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирилади 2 нусхада тузилади ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

### ХV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “Буюртмачи”

Наманган муҳандислик технология  
институтини

Манзил: Наманган ш. Косонсой кучаси 7-уй  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги ғазначилиги

Ш.х.в\* 400910860144017094100079003

ИНН 200 055 908 ОКЭД 92110

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МҲФ 00014 ИНН 201 122 919



Регистр

О.Маматкаримов

#### “Пудратчи”

«STANDART»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Наманган шаҳар Сохил бўйи 2 уй

Тел. 93-400-29-91

х/р 2020 8000 4040 2497 4001

Банк номи АТИБ «Ипак йўли»

Наманган филиали

ИНН: 200054125 МҲФ: 01054

ОКЭД: 43220




Рахбар

У.Убайдуллаев

### Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Институт ҳуқуқий маслаҳатчиси  А.Каримов «01» 11 2022 й.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 164641 на приобретение Наманган Мухандислик Технология Институтининг маданий ва маърифий тадбирларини ўтказадиган фаоллар уйини мукамал таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 27.10.2022

Время рассмотрения 26.10.2022 12:36

Закупочная комиссия Наманганский инженерно-технологический институт, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилояти худудий бошқармаси ходими	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси
<b>Секретарь комиссии</b>	YUSUPOV SHUXRAT XAKIMJONOVICH	специалист по договору	НамМТИ
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV ABDULLA NEMATOVICH	Юрист	Наманган мухандислик технология институту
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV ABDUJABBOR ABDUSATTOROVICH	Бош мухандис	Наманган мухандислик технология институту
<b>Председатель комиссии</b>	SULTANOV SOXOBITDIN YUSUPOVICH	Молия ишлари буйича проректор	Наманган мухандислик технология институту
<b>Член комиссии</b>	DO'SMATOV AZAMJON NAZIRJON O'G'LI	Хўжалик бўлими бошлиғи	Команда-2

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.10.2022 года № лота 164641.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту нежилого здания</b>
Подробное описание	НамМТИ фаоллар залини мукамал таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	957 836 874.00
Стартовая сумма	957 836 874.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:



Критерий №1 Форма-6

Тип: Текстовое значение

Описание: Перечень машин и механизмов

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR	14	14	14	Экспертная		
STANDART МЧЖ	14	МАВЖУД	14	Экспертная		
ООО NAHL GRAND	14	Форма-6	14	Экспертная		
ООО IDEAL NAM CITY	14	14	4	Экспертная		

Критерий №2 Форма-1

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR	5	5	5	Экспертная		
STANDART МЧЖ	5	мавжуд	5	Экспертная		
ООО NAHL GRAND	5	Форма-1	5	Экспертная		
ООО IDEAL NAM CITY	5	5	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Декларация бошка буюртмачинниг номига берилган

Критерий №3 Форма-8

Тип: Текстовое значение

Описание: Свидетельство осмотра стройплощадки

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR	1	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не представил форму
STANDART МЧЖ	1	мавжуд	1	Экспертная		
ООО NAHL GRAND	1	Форма-8	1	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO IDEAL NAM CITY</b>	1	1	1	Экспертная		

Критерий №4 Форма-3

Тип: Текстовое значение

Описание: Общая информация об участнике конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUSTANKAM INSHOOTLAR</b>	25	25	5	Экспертная		
<b>STANDART МЧЖ</b>	25	мавжуд	20	Экспертная		
<b>OOO NAHL GRAND</b>	25	Форма-3	25	Экспертная		
<b>OOO IDEAL NAM CITY</b>	25	25	8	Экспертная		

Критерий №5 Форма-7

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по контрактам (объектам)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUSTANKAM INSHOOTLAR</b>	2	2	2	Экспертная		
<b>STANDART МЧЖ</b>	2	мавжуд	2	Экспертная		
<b>OOO NAHL GRAND</b>	2	Форма-7	2	Экспертная		
<b>OOO IDEAL NAM CITY</b>	2	2	2	Экспертная		

Критерий №6 Форма-5

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы участника конкурса за последние три года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUSTANKAM INSHOOTLAR</b>	23	23	15	Экспертная		
<b>STANDART МЧЖ</b>	23	мавжуд	23	Экспертная		
<b>OOO NAHL GRAND</b>	23	Форма-5	13	Экспертная		
<b>OOO IDEAL NAM CITY</b>	23	23	5	Экспертная		

Критерий №7 Форма-2

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по неисполненным подрядным договорам

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR	3	3	0	Экспертная	Дисквалифицирован	шакл имзоланмаган ва мухрланмаган
STANDART МЧЖ	3	мавжуд	3	Экспертная		
ООО NAHL GRAND	3	Форма-2	3	Экспертная		
ООО IDEAL NAM CITY	3	3	0	Экспертная	Дисквалифицирован	шаклни такдим этмаган

Критерий №8 Форма-4

Тип: Текстовое значение

Описание: Финансовое положение участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR	27	27	15	Экспертная		
STANDART МЧЖ	27	МАВЖУД	27	Экспертная		
ООО NAHL GRAND	27	Форма-4	20	Экспертная		
ООО IDEAL NAM CITY	27	27	27	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО NAHL GRAND	957 836 874.00	956 000 000.00 UZS	956 000 000.00	00.00	956 000 000.00	24.10.2022 17:35:59	9.98954
STANDART МЧЖ	957 836 874.00	955 000 000.00 UZS	955 000 000.00	00.00	955 000 000.00	24.10.2022 14:30:30	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по	Общий балл по	Итоговый



	технической части	финансовой части	балл
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО NAHL GRAND</b>	74.7	9.98954	84.68954
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>STANDART МЧЖ</b>	85.5	10	95.5

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 164641 от 27.10.2022 года на приобретение Наманган Мухандислик Технология Институтининг маданияй ва маърифий тадбирларини ўтказадиган фаоллар уйини мукамал таъмирлаш определила победителем:

STANDART МЧЖ  
200054125

и резервный исполнитель: ООО NAHL GRAND (306203422)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SULTANOV SOXOBITDIN YUSUPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DO'SMATOV AZAMJON NAZIRJON O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV ABDULLA NEMATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV ABDUJABBOR ABDUSATTOROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RI SIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 02229

№ 2229

2007 yil "05" aprel

Mazkur guvohnoma "STANDART"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

THSHT (ONΦ)

1153

Mulkchilik shakli: Jamoa

MSHT (ΦC)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

MHBT (COATO)

Namangan shahar,

1714401

Sohil bo'yi ko'chasi 2-uy

KTUT (OKΠO)

Yuridik shaxs kodi:

14884327

Asosiy faoliyat turi: Montaj qilnadigan yarim maxsulotlar,  
qism va detallar ishlab chiqarish

XXTUT (OKOHX)

14782

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИИИ)

200054125



Qo'shimcha ma'lumotlar: Sobliq sovet tuman hokimining

1990 yil 22 dekabrda 449/24-4-sonli

qarori bilan ro'yhatdan o'tgan

Vakolatlil organ boshlig'i:

B.Vohidov





## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 01” Ноябрь 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган мухандислик технология институти томонидан 2022 йил “19” октябрдаги 164641-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича институт талабаларининг маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тадбирлар залини мукамал таъмирлаш бўйича электрон танловларни ташкил этиш хизмати товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “STANDART” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари томонидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.



**О.Маматкаримов**

**Ш.Мадиев**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:  
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana: 27-09-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 63040**

**Obyekt nomi** «Namangan muhandislik texnologiya instituti talabalarining ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni o'tkazish uchun mo'ljallangan tadbirlar zalini mukammal ta'mirlash»

**Buyurtmachi** - Namangan muhandislik texnologiya instituti

**Bosh loyihachi** - "NAMANGAN SANOAT LOYIXA" xususiy korxonasi

**Litsenziya** AL-000903 18.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Budget

**Bosh pudratchi** - Tender asosida

**Qurilish turi** Mukammal ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 60446

**1. Loyihalash uchun asos**

- 1.1. Namangan muhandislik texnologiya institutining 12.08.2022 yildagi 253<sup>A</sup>-sonli buyrug'i.
- 1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.
- 1.3. "NAMANGAN SANOAT LOYIXA" xususiy korxonasi tomonidan 2022 yilda bajarilgan mavjud bino xolatini texnik tekshiruv bo'yicha xulosa.
- 1.4. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 22.09.2022 yildagi 28-22-sonli shartnoma.
- 1.5. Belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson dalolatnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.

- Tadbirlar zali. Arxitektura va qurilish, suv, oqavasuv, isitish, shamollatish, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya, videokuzatuv, kuchsiz tok va texnologik qismlari.

- Smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**



Mukammal ta'mirlanayotgan tadbirlar zali Namangan shahar Davlatobod tumani hududida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havо harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Yerni tuzilish reliefi - tekis.

### 3.2. Loyihaning asosiy yechimlari.

#### 1. Tadbirlar zali (mukammal ta'mirlash).

Bino - 2 qavatli, yerto'lasiz, karkasli, tashqi devorlari IIS-04 seriyali temir-beton panellardan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, "A-G" va "1-11" o'qlar bo'yicha 15,0mx30,0m o'lchamda, 1-qavat xonalar balandligi -3,0m, 2-qavat xonalar balandligi - 4,1m. Texnik xulosaga ko'ra binoning umumiy xolati qoniqarli. Mukammal ta'mirlash jarayonida tashqi tomondan metall zina qurish, xonalarni moslashtirish, qisman pardadevorlarni buzish va yangilash, eshik va derazalarni almashtirish, pollarni ta'mirlash, proyomlarni ochish va mustahkamlash, ichki pardoqlash ishlarini bajarish, nogironlar uchun pandus qurish, isitish, shamollatish, ichimlik va oqavasuv, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya, videokuzatuv, kuchsiz tok tizimlarini ta'mirlash va qurish, shuningdek loyihaga asosan boshqa ishlarni bajarish ko'zda tutilgan.

#### Yong'in xavfsizligi.

Loyihada binoning o'tga chidamlilik darajasi o'tga chidamlilik chegaralari va inshootlarning yong'in guruhlariga javob berishini ta'minlash ko'zda tutilgan. Yong'inni rivojlanishini oldini olish uchun yong'in signalizatsiyasi tizimi loyihalangan. Binodagi eshiklar odamlarni evakuatsiya qilish yo'nalishida ochiladi.

### 4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

### 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- O'zbekiston nogironlar Assotsiatsiyasi Namangan viloyat hududiy bo'limining 26.09.2022 yildagi 91-sonli xulosasi.

### 6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 958663,773 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 826,899 ming so'mga kamaytirilib, **957836,874 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	575237,692	ming so'm
Asbob-uskunalar:	257663,938	ming so'm
QQS:	124935,244	ming so'm
- Bundan tashqari		
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	27500,000	ming so'm

6.2. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.3. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.4. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

### 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan muhandislik texnologiya instituti talabalarining ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni o'tkazish uchun mo'ljallangan tadbirlar zalini mukammal ta'mirlash" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** MIRZAYEVA MUYASSARXON QODIRJONOVNA